

**52.НС. - сон билан
рўйхатга олинган**

**"Ўзбекистон ипотекани қайта
молиялаштириш компанияси" АЖ
Кузатув кенгашининг 2023 йил
31 январдаги қарори билан
"ТАСДИҚЛАНГАН"**

НОМЗОДЛИК ВА МУКОФОТЛАШ ҚЎМИТАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

"Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ

Тошкент 2023-йил

Мундарижа

I.	Умумий қоидалар	Ошибка! Закладка не определена.
II.	Қўмитанинг ваколатлари	Ошибка! Закладка не определена.
III.	Қўмитани сайлаш тартиби ва қўмита таркиби	5
IV.	Қўмитанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	Ошибка! Закладка не определена.
V.	Қўмитанинг иш тартиби.....	Ошибка! Закладка не определена.
VI.	Якуний қоидалар	9

I. Умумий қоидалар

1.1. "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" акциядорлик жамиятининг Номзодлик ва мукофотлаш қўмитаси тўғрисида"ги Низом (бундан буён матнда "Низом" деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, "Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами 3219, 2020 йил 10 февраль), "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" акциядорлик жамиятининг Устави (бундан буён матнда - Компания) ҳамда, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Низом Номзодлик ва мукофотлаш қўмитасининг мақоми ва ваколатлари (бундан буён матнда қўмита деб юритилади), қўмитанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қўмита таркиби, уни шакллантириш тартиби, компаниянинг бошқа бошқарув органлари билан ишлаши ва ўзаро муносабатларини белгилайди.

1.3. Қўмита компаниянинг Кузатув Кенгашига корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда, Компаниянинг мукофотлаш масалалари ва мукофотлаш тизими бўйича сиёсатини ишлаб чиқишда ёрдам бериш, шунингдек менежмент соҳасида малакали мутахассисларни жалб қилиш ва тайёрлаш, уларнинг муваффақиятли меҳнат қилиши учун зарур рағбатларни яратиш мақсадида ташкил этилган.

1.4. Қўмита томонидан ишлаб чиқилган барча таклифлар жамиятнинг Кузатув Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган тавсиялар ҳисобланади.

1.5. Ушбу Низомнинг мақсадлари учун **Муҳим аҳамиятга эга ходимлар** " тушунчаси қуйидагиларни назарда тутати:

- **Муҳим аҳамиятга эга ходимлар** - Бош ижрочи директорнинг ўринбосарлари, Ички аудит хизмати раҳбари, Бош Риск менежер ва Компаниянинг Корпоратив маслаҳатчиси.

II. Қўмитанинг ваколатлари

Қўмитанинг ваколатларига қуйидаги масалалар кирази:

2.1. Кадрлар масалалари, шу жумладан:

а. Компаниянинг Кузатув Кенгашига Бош ижрочи директор ва компаниянинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари лавозимларига номзодларни танлаш мезонларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

б. Компаниянинг Бош ижрочи директори ва муҳим аҳамиятга эга

ходимлари лавозимларига номзодларни дастлабки кўриб чиқиш;

в. Компаниянинг Бош ижрочи директори ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари ишининг мезонлари ва баҳолаш тизимини кўриб чиқиш;

г. Кузатув кенгаши аъзосининг мустақиллиги мезонларини кўриб чиқиш ва акциядорларни Кузатув кенгаши аъзолигига мустақиллик мезонларига жавоб берадиган номзодлар тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш;

д. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар учун малака талаблари ишлаб чиқилишини кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига тавсия этиш;

е. Компаниянинг Бош ижрочи директори ва муҳим аҳамиятга эга ходимларининг ишини баҳолаш;

ж. Кузатув Кенгашининг янги сайланган аъзолари учун эслатма (йўриқнома) ишлаб чиқишни кўриб чиқиш;

з. Компаниянинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари учун ўринбосар яратиш сиёсатини ишлаб чиқишни кўриб чиқиш.

и. Кузатув кенгаши аъзолари фаолиятини баҳолашни ташкил этиш, баҳолаш натижаларини олдиндан кўриб чиқиш ва тегишли тавсиянома билан Кузатув кенгашига тақдим этиш.

2.2. Мукофотлаш масалалари, шу жумладан:

а. Кузатув кенгаши аъзолари, Бош ижрочи директори ва Компаниянинг муҳим аҳамиятга эга ходимларининг самарали ишлашини рағбатлантириш учун мўлжалланган Компаниянинг мукофотлаш сиёсати ва тизимини ишлаб чиқишни кўриб чиқиш:

б. Кузатув кенгаши аъзолари ва раисига ҳақ тўлаш масаласида қўмита Компанияга Кузатув Кенгаши аъзоларининг холислигига таъсир қилиши мумкинлигидан қўрқмасдан уларга етарли маош таклиф қилиш имконини берувчи мезонларни ишлаб чиқиш;

в. Ижроия органи, Бош ижрочи директор ўринбосарлари, Ички аудит хизмати ходимлари ва Корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш масаласи бўйича қўмита жамият фаолиятининг асосий молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида белгиланган иш ҳақи, йиллик мукофот, имтиёзлар ва бошқа турдаги мукофотларни аниқлаш мезонларини, шунингдек, уларнинг манфаатларини акциядорларнинг манфаатларига мослаштиришга қаратилган узоқ муддатли мотивация тизими ва тўлов тизимини ишлаб чиқади ва вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш;

г. Компаниянинг мукофотлаш борасидаги сиёсати ва у томонидан яратилган мукофотлаш тизими Компаниянинг ривожлантириш стратегиясига ва унинг молиявий ҳолатига, шунингдек меҳнат бозоридаги вазиятга мос келишини назорат қилиш;

д. Акциядорлар умумий йиғилишларининг Кузатув кенгаши аъзоларига, Бош ижрочи директорга ва муҳим аҳамиятга эга ходимларга йиллик мукофот тўлаш тўғрисидаги қарорларининг бажарилишини, шунингдек Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишини назорат қилиш.

2.3. Компанияда корпоратив бошқарув тизими нуқтаи назаридан Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ, шу жумладан:

а. вақти-вақти билан Компаниянинг корпоратив бошқарув тизими билан боғлиқ ҳужжатларини, шу жумладан Устав, Низом ва Корпоратив бошқарув кодексини Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига, миллий ва халқаро амалиётга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида кўриб чиқиш;

б. Компаниянинг Корпоратив маслаҳатчиси билан яқиндан ҳамкорликда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

в. Корпоратив низоларни ҳал қилиш сиёсати ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва даврий кўриб чиқиш;

г. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижроия органига одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқишда ёрдам бериш;

д. Такомиллаштириш талаб қиладиган алоҳида йўналишлар бўйича хулосаларни баҳолаш, Кузатув кенгаши аъзоларига тавсиялар ишлаб чиқиш ва маслаҳат бериш;

е. Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ бошқа ҳаракатлар.

III. Қўмитани сайлаш тартиби ва унинг таркиби

3.1. Қўмита жамият Кузатув Кенгаши аъзолари орасидан уч кишидан кам бўлмаган таркибда кўпчилик овоз билан сайланади.

3.2. Қўмита аъзоларининг ваколат муддатлари уларнинг Кузатув Кенгаши аъзоси сифатидаги ваколат муддатларига тенг.

3.3. Қўмитага асосан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари сайланади. Қўмита раиси жамият Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши керак. Жамият билан моддий алоқаси бўлмаган ва унинг акциядори бўлмаган жамият Кузатув кенгашининг аъзоси мустақил ҳисобланади.

3.4. Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган қўмита раиси ва аъзоларининг номзодларини тавсия этади.

3.5. Компаниянинг Бош ижрочи директори ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари қўмита аъзоси бўла олмайди.

3.6. Қўмита аъзолари Компания ходимлари билан ишлаш бўйича зарур билим ва

тажрибага эга бўлиши керак.

IV. Қўмитанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

4.1. Қўмита қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а. Компания ходимларидан ҳужжатлар, ҳисоботлар, тушунтиришлар ва бошқа маълумотларни сўраб олиш;

б. Компаниянинг ходимларини кузатувчи сифатида ўз мажлисларига таклиф қилиш;

в. Ташқи экспертлар ва маслаҳатчилар хизматларидан фойдаланиш;

г. Ўз ваколатлари доирасида ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда Кузатув кенгаши томонидан белгиланиши мумкин бўлган бошқа вазифаларни бажариш.

4.2. Ҳар йили қўмита ушбу Низомни белгиланган талабларга мувофиқлигини таҳлил қилади ва баҳолайди, Кузатув Кенгашига Низомга ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар беради.

4.3. Қўмита ўз фаолияти тўғрисида йилига бир марта Компаниянинг Кузатув Кенгашига ҳисобот беради.

4.4. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

а. Қўмита ишида иштирок этиш ва унинг барча мажлисларида қатнашиш;

б. Компания фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт тармоғидаги, энг янги ахборот технологиялари ва бошқа стратегик муҳим соҳалардаги вазиятни кузатиб бориш;

в. Лавозим вазифаларини бажариш пайтида уларга маълум бўлган барча маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

г. Кузатув кенгашини ўзининг Кузатув кенгаши мустақил аъзоси сифатидаги мақомидаги ҳар қандай ўзгаришлар ёки қўмита томонидан қабул қилинадиган қарорлар муносабати билан юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабардор қилиш;

д. Қўмита ва унинг аъзолари фаолиятини ҳар йили текшириш ва баҳолаш, шу жумладан қўмита томонидан ушбу қоидага мувофиқлигини текшириш.

V. Қўмитанинг иш тартиби

5.1. Қўмитани Кузатув Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан сайладиган раис бошқаради.

5.2. Қўмита раиси:

а. Қўмитанинг иш режасини ишлаб чиқишни ташкил қилади ва Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этади;

б. Қўмита ишини ташкил қилади ва қўмита мажлисларини чақиради, уларга раислик қилади;

в. Қўмита мажлисини ўтказиш шакли, санаси ва кун тартибини белгилайди;

г. Қўмита мажлисида иштирок этиш учун таклиф этилган шахслар рўйхатини белгилайди;

д. Қўмита мажлисларида масалаларни муҳокама қилишни, шунингдек таклиф этилган шахсларнинг фикрларини эшитишни ташкил қилади;

е. Қўмита мажлисининг баённомаларини юритишни ташкил қилади;

ж. Қўмита аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

з. Қўмитанинг фаолияти тўғрисида жамият Кузатув Кенгашига ҳисобот беради;

и. Қўмита аъзоларига масалани чуқур ўрганиш ва материалларни қўмита мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлаш бўйича кўрсатмалар беради;

к. Қўмита томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади;

л. Қўмитанинг қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган энг тўлиқ ва ишончли маълумотларни олиш учун жамиятнинг Ижроия органи, жамият Кузатув Кенгаши, ташқи аудитор ва ички аудит хизмати ва Компания ходимлари билан доимий алоқада бўлиб туради, шунингдек жамият Кузатув кенгаши билан самарали ҳамкорликни таъминлайди;

м. Қўмита ваколати доирасида амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, Компания Уставида, ушбу Низомда ва Компаниянинг бошқа ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни бажаради.

5.3. Компаниянинг Корпоратив маслаҳатчиси қўмита котиби ҳисобланади. Унинг ваколатлари доирасида:

а. Қўмита аъзолари ва раисининг таклифлари асосида Қўмитанинг иш режасини тайёрлайди;

б. Кун тартибидаги масалалар бўйича бўлажак учрашувлар ва маърузачилардан олинган материаллар тўғрисида қўмита аъзоларига хабарномалар тайёрлайди ва юборади;

в. Қўмита мажлисининг баённомасини тайёрлайди ва имзолайди;

г. Қўмита мажлислари баённомалари ва материалларини сақлайди;

д. Манфаатдор шахсларнинг талабига биноан, баённомадан кўчирмалар тайёрлайди;

е. Қўмита раисининг топшириқларини бажаради.

5.4. Қўмита ишини мажлислар шаклида олиб боради.

- 5.5. Қўмита мажлислари заруриятга қараб, аммо камида 6 ойда бир марта ўтказилади. Агар Кузатув кенгаши мажлисининг кун тартибига қўмитанинг ваколатига кирадиган масалалар киритилган бўлса, қўмитанинг мажлиси Кузатув кенгашининг тегишли мажлисидан камида 7 кун олдин ўтказилади.
- 5.6. Қўмита мажлислари қўмита раисининг, Қўмитанинг ҳар қандай аъзосининг ташаббуси билан ёки жамият Кузатув Кенгашининг қарори билан чақирилади.
- 5.7. Учрашувлар қуйидаги шаклларда ўтказилади: биргаликда иштирок этиш, сиртдан овоз бериш, видео ва аудио конференция.
- 5.8. Агар қўмита аъзоларининг камида ярми иштирок этса, қўмита мажлисида кворум бор деб ҳисобланади.
- 5.9. Қўмита котиби Қўмитанинг барча аъзоларига мажлис кун тартибини кўрсатган ҳолда дастлабки хабарнома юборади ва кун тартибининг ҳар бир банди бўйича барча зарур маълумотлар мажлисдан камида 7 кун олдин тақдим этилишини таъминлайди. Хабарнома қўмита аъзолари учун қулай бўлган ҳар қандай шаклда амалга оширилади: телефон, факс, оддий ёки электрон почта орқали.
- 5.10. Қўмита мажлиси баённома билан расмийлаштирилади, у мажлисда иштирок этган барча қўмита аъзолари томонидан, шу жумладан электрон шаклда имзоланади.
- 5.11. Масалаларни муҳокама қилиш натижаларига кўра қўмита ёзма равишда қарорлар қабул қилади, улар мажлисда иштирок этган барча қўмита аъзолари томонидан, шу жумладан электрон шаклда имзоланади. Бундай ёзма қарорлар Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлисига тайёргарлик кўриш учун жамият Кузатув кенгаши раисига ёки жамиятнинг Корпоратив маслаҳатчисига тақдим этилади. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси қўмитанинг қарори билан биргаликда ўзининг фикрини билдириши мумкин.
- 5.12. Қўмита мажлисда иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

VI. Яқуний қоидалар

- 6.1. Ушбу Низом компаниянинг Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.
- 6.2. Ушбу қоидаларга киритилган барча ўзгартиришлар ёзма шаклда киритилиши ва жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши ва бу тўғрисида жамият Кузатув кенгаши мажлисининг тегишли баённомаси тузилиши керак.
- 6.3. Ушбу Низом кучга кириши билан 2020 йил 3 август ва 2021 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган "Номзодлик ва мукофотлаш қўмитаси

тўғрисида" ги Низом ва унга киритилган барча ўзгартиришлар бекор бўлади.